

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
КБАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ
ВАЖНОСТЬ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ УСЛУГ В СНИЖЕНИИ УРОВНЯ
БЕДНОСТИ
THE IMPORTANCE OF SERVICE PROVISION IN POVERTY
ALLEVIATION

Пўлатов Ислонжон Сохибжон ўғли,
Дўстмуродов Бахтиёр Шокир ўғли

Қарши давлат техника университети иқтисодиёт йўналиши талабалари

Аннотация: *Мазкур мақолада мамлакатда хизмат кўрсатиши ва бандликни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартирири имкониятлари келтирилган. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ҳақида фикр юритилган.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются возможности сокращения бедности в стране посредством предоставления услуг и создания рабочих мест. Также обсуждаются результаты реформ, проводимых в стране.*

Abstract: *This article examines opportunities for reducing poverty in the country through service provision and job creation. The results of the reforms implemented in the country are also discussed.*

Калит сўзлар: *хизмат кўрсатиши, бандлик, тадбиркорлик, камбағалликни қисқартириши, инновацион ривожланиши, мономарказ, аҳоли даромадлари, инвестиция*

Ключевые слова: *услуги, занятость, предпринимательство, сокращение бедности, инновационное развитие, моноцентр, доход населения, инвестиции.*

Key words: *services, employment, entrepreneurship, poverty reduction, innovative development, single-industry center, population income, investments.*

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади – инсон капиталини тараққий эттиришдир. Мазкур хужжатда 2030 йилга келиб Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингда жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киритиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Жаҳон банкининг бугун эълон қилинган янги тадқиқот натижалари ҳукуматларга болалар саломатлигини сақлаш ва уларга таълим беришга оид энг яхши натижалар келгусида аҳоли ва мамлакатлар даромадларини сезиларли даражада ошириши мумкинлигини намойиш қилмоқда.

Бандликни таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида мамлакатимизда маъмурий ислохотлар доирасида илк бор минимал истеъмол харажатлари қиймати жорий этилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликка 15 триллион сўм имтиёзли кредит ва субсидиялар, деҳқончилик

учун 200 минг гектар ер ажратилди. Шу даврда 300 мингга яқин тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 20 мингта корхона фаолияти кенгайтирилди. Ўтган йили 1 миллион нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилди. Яқинда қабул қилинган Конституциямизда ҳам камбағалликни қисқартириш бўйича давлат ўзига мажбуриятлар сифатида камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳудудларда янги ишлаш чора-тадбирларини белгилади. Жумладан, салоҳиятли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўрни яратишга рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилди. Бунинг учун улар билан малакали ишчи тайёрлаш бўйича шартномалар тузилиб, корхоналарда кўплаб “амалий мономарказ”лар ташкил қилинади. Давлат бунга зарур маблағлар ажратиш билан бирга инфратузилма, кредит, солиқ ва бошқа масалалар бўйича енгилликлар беради. Тадбиркор эса камбағал аҳолини даромадли иш билан таъминлайди.[1]

Маълумки, камбағалликни қисқартириш бўйича Хитойнинг тажрибаси эътиборга молик. Мамлакатимиз делегацияси буни ўрганиш ва янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун яқинда Хитойда бўлиб қайтди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига экспертлар жалб қилинди. Хитой тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда биттадан туманни камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилиши белгиланди. Бунда камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштиришга эътибор қаратилади.

Жорий йилда оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1,5 триллион сўм субсидиялар ажратилапти. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича 37 турдаги субсидиялар мавжуд. Лекин уларни ажратиш шартлари оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, лойиҳанинг ўзини ўзи оқлаш муддатидан қатъий назар, барча учун деярли бир хил бўлиб, шу боис кредит ва субсидияларни ҳар бир камбағал оилага алоҳида ёндашув асосида тақдим этиш таклифи маъқулланди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигини халқчил тизимга айлантириш, 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни бевосита маҳалланинг ўзида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. [2]

Инсон капиталини ривожлантириш тажрибаларига кўра инсон капитали индексида асосан *омон қолиш, таълим ва соғлиқ* каби кўрсаткичлар инобатга олинади. Индекснинг биринчи нашрида 157 давлат рейтинги тақдим этилган. Инсон капиталига бошқалардан кўпроқ сармоя киритаётган энг фаол мамлакатлар бешлигидан Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Ҳонконг ва Финляндия ўрин олган. Рейтингда шунингдек, Марказий Осиёнинг уч давлати натижалари келтирилган - Қозоғистон 31-ўрин, Қирғизистон 76-ўрин ва Тожикистон 89-ўрин. Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Морининг таъкидлашича: “Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий трансформация ва мамлакат келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган инсон капитали ривожига давлат инвестицияларини киритиш заруратини тан олади. Биз Ўзбекистонни Инсон капиталини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватловчи дунёнинг қолган 27

мамлакатига қўшилган Марказий Осиёдаги биринчи мамлакат бўлгани билан олқишлаймиз”[3]. Демак, ушбу фикрлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда инсон капитални ривожлантириш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган мақсадли йўналишлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ёки кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказган вақтдан бошлаб биринчи 3 ой давомида ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ижара ҳақини тўлаш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида субсидия тўланади. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача компенсация тақдим этилади.

Бугунги кунда жаҳон бозорида товарлар ва хизматлар ўртасида рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини инновацион ривожлантириш технологик жиҳатдан ортда қолишни имкон қадар қисқартириш ва рақобатбардошликни таъминлашнинг деярли ягона йўли ҳисобланади. Ҳар қандай давлатнинг инновацион тараққиётдаги муваффақияти кўп жиҳатдан унинг инновациялар соҳасида давлат сиёсатини нечоғлиқ самарали олиб бориши ҳамда инсон капиталини сифатли шакллантиришига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Мақсад-илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган ихтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш, асосий мақсадимиз- мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришдир”[1], деган сўзлари инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишига маблағ ажратиш инсон капиталига киритиладиган инвестицияларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Биринчидан, таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шунга мос иқтисодий ўсишга эришилади. Таълим соҳаси иқтисодий ўсишнинг кафолати бўлиб ҳисобланади. Жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳар бир қўшимча таълим йили инсон умумий даромадини ўртача 10 фоизга оширишини кўрсатган. Албатта, ушбу жараёнда таълим сифатига эътибор ҳам муҳим омил бўлади. Иккинчидан, таълим билан бир қаторда соғлиқни сақлашга маблағ ажратиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу касалликлар ва ўлимнинг қисқаришига, инсон умрининг

меҳнатга лаёқатли қисмининг узайишига, шу билан бир қаторда, инсон капиталининг фаолият кўрсатиш вақтини узайишига олиб келади.

Мамлакатда аҳолининг интеллектуал салоҳияти юқори даражага кўтарилиши иқтисодиёт реал секторида инновацион фаолиятни ривожлантиришга ва жамият аъзолари эҳтиёжининг қондирилиши доимий равишда таъминланиб борилишига эришилади. Инсон капиталини ривожлантириш дунё бўйича етакчи олий таълим муассасаларини ўз ичига олган рақобатбардош ва мослашувчан таълим тизимига асосланган. Бутун дунё бўйлаб барча олий таълим муассасаларининг меҳнат жамоалари ўз таълим муассасаларининг нуфузи, унинг глобал рейтингда юқори ўрни учун курашади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқори малака ва кўникмага эга кадрлар ислохотлар самарасининг гаровидир. Ҳар томонлама билимга эга бўлган, касб-ҳунар эгаллаган фуқораларимиз тадбиркорликнинг исталган соҳасида фаолият кўрсатиши ҳамда ўзининг даромадига эга бўлиши учун имконият яратилади. Мамлакатимизда ташкил этилган мономарказлар фаолият кўрсатиши ушба масалаларни ҳал этилишида етакчи механизм бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик масалалари” бўйича йиғилишдаги маърузаси. 2023 йил 10 май
3. <https://kun.uz/news/2018/10/11/>